



ISSN: 2181-9416

YURIST AXBOROTNOMASI

ВЕСТНИК ЮРИСТА * LAWYER HERALD

HUQUQIY, IJTIMOIIY, ILMIY-AMALIY JURNAL



CYBERLENINKA

НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ
БИБЛИОТЕКА
LIBRARY.RU

ТОВАР БЕЛГИЛАРИНИНГ РАҚАМЛИ МУҲИТДА ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗАСИ: ХАЛҚАРО ТАЖРИБА ВА ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

БАБАКУЛОВ Зафар Курбонназарович

Жамоат хавфсизлиги университети профессори, ю.ф.д. (DSc)

E-mail: zafarbabakulov11@gmail.com

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): БАБАКУЛОВ З.К. Товар белгиларининг рақамли муҳитда ҳуқуқий муҳофазаси: халқаро тажриба ва Ўзбекистон қонунчилигини такомиллаштириш масалалари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 3 (2025) Б. 66–73.



3 (2025) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2025-2-15>

АННОТАЦИЯ

Маълум бўлишича, рақамли муҳитда товар белгиларининг ҳуқуқий муҳофазаси мураккаб ва кўп қиррали ёндашувни талаб этади. Ушбу мақолада халқаро ҳуқуқий тажриба ҳамда Ўзбекистон қонунчилигини такомиллаштириш масалалари ўзаро боғлиқ ҳолда комплекс таҳлил қилинган. Аниқланишича, рақамли иқтисодиёт шароитида товар белгиларининг иқтисодий ва ҳуқуқий аҳамияти изчил ортиб бормоқда. Шунингдек, ўрнатилдики, АҚШ, Европа Иттифоқи ва бошқа илғор юрисдикцияларда “safe harbor”, “notice-and-action” ва UDRP каби механизмлар амалиётда самарали қўлланиб, интеллектуал мулкни рақамли платформаларда ҳимоя қилишнинг асосий воситаларидан бирига айланмоқда. Мақолада рақамли воситачиларнинг ҳуқуқий мақоми, онлайн платформаларнинг жавобгарлик чегаралари ва домен номлари орқали амалга ошириладиган ҳуқуқбузарликларни ҳал этиш тизимлари қиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан кенг кўламда кўриб чиқилган. Жумладан, автоматлаштирилган мониторинг, контентни ўчириш ва блоклаш каби механизмларнинг ҳуқуқий асослари таҳлил этилади. Таъсир баҳоланганда, Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган қонунчиликнинг рақамли муҳитнинг реал эҳтиёж ва таҳдидларига тўлиқ мос келмаслиги аниқланди. Шу муносабат билан “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонун ҳамда Интеллектуал мулк тўғрисидаги Қонунларга тегишли ҳуқуқий тушунчаларни киритиш ва халқаро тажриба асосида янги ҳуқуқий механизмларни жорий этиш бўйича аниқ норматив таклифлар илгари сурилди.

Калит сўзлар: товар белгиси, рақамли муҳит, интеллектуал мулк, интернет воситачиси, safe harbor, notice-and-action, рақамли платформа, домен номлари, ҳуқуқбузарлик, рақамли хизматлар тўғрисидаги қонун (DSA), UDRP, Ўзбекистон қонунчилиги, ҳуқуқий ислохотлар.

ПРАВОВАЯ ЗАЩИТА ТОВАРНЫХ ЗНАКОВ В ЦИФРОВОЙ СРЕДЕ: МЕЖДУНАРОДНЫЙ ОПЫТ И ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА УЗБЕКИСТАНА

БАБАКУЛОВ Зафар Курбонназарович

Профессор Университета общественной безопасности,
доктор юридических наук (DSc)

E-mail: zafarbabakulov11@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Установлено, что правовая охрана товарных знаков в цифровой среде требует сложного и многогранного подхода. В данной статье представлен комплексный анализ международного правового опыта, а также

рассмотрены вопросы совершенствования законодательства Узбекистана в данной области. Выявлено, что экономическое и правовое значение товарных знаков в условиях цифровой экономики неуклонно возрастает. Также установлено, что в США, Европейском союзе и других развитых юрисдикциях эффективно применяются такие механизмы, как “safe harbor”, “notice-and-action” и UDRP, которые стали основными средствами защиты интеллектуальной собственности на цифровых платформах. В статье в сравнительно-правовом аспекте рассмотрен правовой статус цифровых посредников, пределы ответственности онлайн-платформ, а также системы разрешения правонарушений, связанных с доменными именами. В частности, проанализированы правовые основания автоматизированного мониторинга, удаления и блокировки контента. В результате оценки воздействия выявлено, что действующее законодательство Республики Узбекистан не в полной мере отвечает реалиям и вызовам цифровой среды. В связи с этим предложены конкретные нормативные меры по внедрению соответствующих правовых понятий в законы “Об информатизации” и “Об интеллектуальной собственности”, а также по применению новых правовых механизмов, основанных на международной практике.

Ключевые слова: товарный знак, цифровая среда, интеллектуальная собственность, интернет-посредник, safe harbor, notice-and-action, цифровая платформа, доменные имена, нарушение прав, Закон о цифровых услугах (DSA), UDRP, законодательство Узбекистана, правовая реформа.

LEGAL PROTECTION OF TRADEMARKS IN THE DIGITAL ENVIRONMENT: INTERNATIONAL PRACTICE AND REFORM ISSUES OF UZBEK LEGISLATION

ZAFAR Kurbonnazarovich

Professor at the University of Public Security,

Doctor of Legal Sciences (DSc)

E-mail: zafarbabakulov11@gmail.com

ANNOTATION

It has been established that legal protection of trademarks in the digital environment requires a complex and multifaceted approach. This article provides a comprehensive analysis of international legal practices and the need to improve the legislation of Uzbekistan in this field. It has been identified that the economic and legal significance of trademarks is consistently increasing in the context of the digital economy. Moreover, it has been determined that in the United States, the European Union, and other advanced jurisdictions, mechanisms such as “safe harbor,” “notice-and-action,” and UDRP are effectively applied and have become essential tools for protecting intellectual property on digital platforms. The article comparatively examines the legal status of digital intermediaries, the liability limits of online platforms, and systems for resolving infringements involving domain names. In particular, the legal foundations of automated monitoring, content removal, and blocking mechanisms are analyzed. The impact assessment reveals that the current legislation of the Republic of Uzbekistan does not fully correspond to the actual needs and risks of the digital environment. Therefore, concrete normative proposals are put forward to introduce relevant legal concepts into the Laws “On Informatization” and “On Intellectual Property” and to implement new legal mechanisms based on international practice.

Keywords: trademark, digital environment, intellectual property, internet intermediary, safe harbor, notice-and-action, digital platform, domain names, infringement, Digital Services Act (DSA), UDRP, Uzbek legislation, legal reform.

Сўнгги йилларда рақамли технологияларнинг изчил ривожланиб бориши ва интернет платформалари орқали товарларни сотиш жараёнларининг глобал даражада кенгайиши туфайли товар белгиларининг иқтисодий ва ҳуқуқий аҳамияти сезиларли даражада ортиб бормоқда. Айниқса, тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини домен номлари, мобилиловалар, ижтимоий тармоқлар ва электрон савдо майдончаларида амалга ошираётган шароитда, товар

белгиларини фақат анъанавий ҳуқуқий муҳитда эмас, балки рақамли маконда ҳам самарали, тизимли ва мутаносиб тарзда муҳофаза қилишга бўлган эҳтиёж янада кескинлашмоқда. Бундай ўзгарувчан рақамли муҳитда товар белгиларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, фақат мавжуд ҳуқуқий механизмларни татбиқ этиш билангина чекланиб қолмай, балки миллий ва халқаро ҳуқуқ тизимлари томонидан рақамли иқтисодиёт талабларига мослашган инновацион, прагматик ва технологик ёндашувларни ишлаб чиқишни талаб этмоқда.

Жаҳон қонунчилиги амалиётида товар белгиларини рақамли муҳитда ҳимоя қилишни таъминловчи турли хил норматив-ҳуқуқий механизмлар ва институтлар шаклланимоқда. Жумладан, АҚШнинг “Рақамли даврда муаллифлик ҳуқуқи тўғрисида”ги Қонун (Digital Millennium Copyright Act – DMCA [1]), Европа Иттифоқининг 2000/31/EC-сонли “Электрон савдо тўғрисида”ги Директиви (Directive 2000/31/EC (Digital Services Act – DSA [2]) ҳамда БИМТ (ВОИС) томонидан қабул қилинган “Домен номлари бўйича низоларни ҳал этишнинг ягона тартиби” (Uniform Domain Name Dispute Resolution Policy – UDRP [3]) орқали товар белгиси эгаларига рақамли платформалардаги ҳуқуқбузарликларга қарши самарали ҳуқуқий чоралар кўриш имконияти яратилган. Шу билан бирга, Amazon, YouTube, Facebook, eBay каби йирик рақамли майдончалар ўзларининг ички регламентлари ва корпоратив сиёсатлари орқали интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган автоном мониторинг ва ҳуқуқни тиклаш механизмларини жорий этган.

Ўзбекистон Республикаси “Товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги 2001 йил 30 августдаги 267-II-сон Қонун товар белгиларини муҳофаза қилишнинг умумий ҳуқуқий асосларини белгилайди. Бироқ ушбу ҳуқуқий асослар рақамли иқтисодиётнинг мураккаб ва тез ўзгараётган шароитларига тўлиқ мослашмаган. Хусусан, виртуал муҳитда товар белгиларининг ноқонуний қўлланилиши, қалбаки маҳсулотлар тарқатилиши, белгиларнинг таҳрифланиши ва бошқалар томонидан ноқонуний фойдаланилиши каби ҳолатлар амалиётда тобора кенгайиб бормоқда. Шу билан бирга, рақамли платформалар, ижтимоий тармоқлар, қидирув тизимлари ва автоматлаштирилган алгоритмлар орқали амалга оширилаётган ҳуқуқбузарликлар миллий қонунчиликда етарлича ҳуқуқий баён ва механизмларга эга эмас. Мазкур ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш жараёнида ҳуқуқ эгасининг қайси органга, қандай тартибда мурожаат қилиши ва қандай воситалардан фойдаланиши мумкинлиги аниқ регламент қилинмаган. Шунингдек, рақамли воситачиларнинг ҳуқуқий мақоми, уларнинг жавобгарлик чегараси, фаол ёки нофаол иштирокчи сифатида таснифланиши, контентни блоклаш ёки фойдаланувчи akkaунтларини чеклашга оид мажбуриятлари каби масалалар миллий ҳуқуқда назарда тутилмаган. Халқаро амалиётда қўлланилаётган низоларни ҳал этиш тизимлари, хусусан, домен номлари бўйича ихтисослашган халқаро механизмлар миллий қонунчиликда татбиқ этилмаган.

АҚШ қонунчилигида товар белгиларини рақамли муҳитда муҳофаза қилиш бўйича самарали ва комплекс ҳуқуқий механизмлар тизими шакллантирилган бўлиб, у рақамли иқтисодиёт шароитида юзага келаётган янги таҳдидларга мос равишда доимий такомиллаштирилиб борилади. Бу тизим, аввало, рақамли платформаларда содир этилаётган ҳуқуқбузарликларга қарши хусусий ҳуқуқ эгаларининг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган DMCA [4] ҳамда Лэнхем қонуни [5] (Lanham Act (1946) каби федерал қонунлар орқали амалга оширилади.

DMCA, асосан, муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган бўлсада, унинг 512-бўлимида назарда тутилган “safe harbor” (ҳимояли ҳудуд) режими интернет воситачилари учун ҳуқуқий кафолатлар яратиш билан бирга, уларга аниқ мажбуриятлар ҳам юклайди. Хусусан, интернет платформаси маъмури товар белгисига нисбатан “ҳуқуқларни бузувчи

контент” ҳақида расмий хабарнома (notice-and-takedown notification) олгандан сўнг уни белгиланган муддатда олиб ташлаши шарт. Агар платформа ушбу талабни бажарса у ҳолда у жавобгар бўлмайди. Бу механизм, бир томондан, платформаларни ҳуқуқ эгаларининг манфаатларини ҳисобга олишга мажбур қилса, иккинчи томондан, уларнинг техник воситачи сифатидаги бетараф мақомини сақлаб қолади.

Бундан ташқари, товар белгиларининг бевосита ҳимояси Лэнхем қонуни орқали амалга оширилади. Мазкур қонун интернетдаги контрафакт маҳсулотлар тарқатилиши, товар белгиларининг адаштирувчи тарзда қўлланилиши, сохта бренддан фойдаланиш, домен номлари орқали ҳуқуқбузарлик содир этилиши каби ҳолатларда ҳуқуқни эгасига федерал судга мурожаат қилиш ҳуқуқини беради [6, Б. 681–700]. Судда товар белгисининг рақамли муҳитда бузилгани аниқланган тақдирда, ҳуқуқ эгаси моддий зарарни қоплаш; контрафакт фаолиятни тўхтатиш; бузувчи контентни олиб ташлаш ёки блоклаш; домен номини ўчириш; вақтинчалик чеклов (injunction) чоралари қўлланилиши каби ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан фойдаланиши мумкин.

АҚШ ҳуқуқ тизимининг яна бир муҳим ва ўзига хос жиҳати – бу бозордаги етакчи рақамли платформалар (Amazon, YouTube, Facebook, eBay ва бошқалар) томонидан ишлаб чиқилган ички регламентлар ва корпоратив сиёсатлар орқали интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш бўйича мустақил ҳуқуқий-амалий механизмларни жорий этишидир [7, Б.841-870]. Ушбу платформалар ўз фаолиятларида товар белгиси ва бошқа интеллектуал мулк ҳуқуқларининг бузилишига қарши курашиш мақсадида автоматлаштирилган мониторинг дастурлари (масалан, Amazon Brand Registry, YouTube Content ID), фойдаланувчиларга нисбатан санкция чоралари (масалан, akkaунтни вақтинча блоклаш ёки бутунлай ёпиш), ҳамда фирма эгалигини текшириш ва ҳужжатлар асосида ҳақиқийлаштириш тартибларини жорий этган. Бу корпоратив механизмлар ҳуқуқ эгаларининг мурожаатига бевосита жавоб қайтариш имконини беради ва давлат органларининг бевосита аралашувисиз ҳам ҳуқуқни тиклашга хизмат қилади. Бошқача айтганда, бу платформалар давлат томонидан қонунчилик асосида юклатилган мажбуриятни ўз ички сиёсатлари ва фойдаланувчи келишувлари орқали амалга оширмоқда. Ушбу ёндашув АҚШда хусусий секторнинг ҳуқуқий ҳимояни таъминлашдаги фаол иштирокини таъминлаб, ҳуқуқни эгаларга ҳуқуқбузарликларни тезкор ва самарали бартараф этиш имконини беради [8, Б.459-485].

Европа Иттифоқининг 2000 йил 8 июнда қабул қилинган “Электрон савдо тўғрисида”ги Директиви (Directive 2000/31/EC) товар белгиларининг рақамли муҳитда ҳуқуқий муҳофазасини таъминлашда муҳим норматив ҳужжат сифатида эътироф этилади. Ушбу Директив ахборот жамияти хизматларини кўрсатувчи субъектлар яъни маълумотни транзит қилиш, вақтинча сақлаш (caching) ва хостинг хизматларини амалга оширадиган рақамли платформалар учун чекланган жавобгарлик механизмларини белгилайди [9, Б.211-221]. Бу механизм “мажбуриятдан озод этиш” (safe harbor) деб юритилади ва онлайн воситачиларнинг товар белгисига оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлигини махсус шартлар билан чеклайди. Хусусан, Директивнинг 12-моддаси (“mere conduit”)га мувофиқ, агар платформа маълумотни фақат техник восита сифатида узатса, уни танламаса ёки ўзгартирмаса, товар белгисини бузган контент учун унинг жавобгарлиги юзага келмайди. Масалан, интернет-провайдер товар белгисини бузувчи маълумотни автоматик равишда фойдаланувчи ва қабул қилувчи ўртасида узатган ҳолда, унинг бундай ҳаракати нофаол ҳисобланади ва жавобгарликка олиб келмайди [10]. Шунингдек, Директивнинг 13-моддаси эса вақтинча сақлаш (caching) фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солади. Агар платформа маълумотни техник

сабабларга кўра вақтинча сақлаётган бўлса ва маълумот мунтазам равишда янгиланиб борса, у ҳолда жавобгарлик юзага келмайди. Бу ҳолат, масалан, электрон савдо платформаси маҳсулотлар рўйхатини вақтинча кэшлаш орқали тезкор ишлашини таъминлаётганда юзага келиши мумкин. Агар қалбаки товарлар ҳақидаги маълумот вақтинчалик сақланган бўлса, ва платформа бу маълумотни танламаган бўлса, у ҳолда унинг товар белгиси ҳуқуқини бузишдаги жавобгарлиги истисно қилинади. Директивнинг 14-моддасига кўра, хостинг хизматларини кўрсатувчи платформалар яъни фойдаланувчиларнинг контентини сақловчи веб-сайтлар учун муҳим аҳамиятга эга. Агар хостинг платформаси товар белгиси ҳуқуқини бузувчи маълумот ҳақида “ишончли маълумот” олса (масалан, ҳуқуқ эгаси томонидан юборилган расмий хабарнома), у ҳолда бу контентни зудлик билан олиб ташлаши ёки блокклаши шарт [11, Б.37-48]. Агар у бу мажбуриятни бажармаса, у “safe harbor” ҳимоясидан маҳрум бўлади ва ушбу ҳуқуқбузарлик учун жавобгар ҳисобланади. Масалан, агар фойдаланувчи онлайн платформага қалбаки “Adidas” маҳсулотини жойлаштиради ва “Adidas” бренди эгаси бу ҳақда расмий хабарнома юборса, платформа ушбу маълумотни олиб ташламаса, унинг жавобгарлиги юзага келади. Мазкур қоидалар “notice-and-action” моделига асосланган бўлиб, ҳуқуқбузарлик юзасидан платформа хабардор қилинганидан сўнг муайян муддат ичида чора кўрилиши шартлигини назарда тутди. Ушбу тизим товар белгиси эгасига ўз ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш имконини яратиши билан бирга, платформаларнинг фаол ёки нофаол ролини ҳуқуқий жиҳатдан фарқлаш орқали, рақамли иқтисодиётда ҳуқуқий барқарорлик ва мувозанатни таъминлашга хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан, Европа Иттифоқи қонунчилигидаги асосий йўналиш “notice-and-action” тизимидир. Бу тизимга кўра, товар белгиси эгаси ҳуқуқбузарлик ҳақида платформага расман хабар бериши (notice), платформа эса маълумотни текшириб, тегишли контентни ўчириши ёки блокклаши шарт (action). Айрим мамлакатлар, масалан, Германия ва Францияда ушбу тизим миллий қонунлар орқали аниқроқ тартибга солинган. Масалан, Германиянинг 2017 йил 30 июнда қабул қилинган “Ижтимоий тармоқларни назорат қилиш тўғрисида”ги (NetzDG) ва Франциянинг 2020 йил 24 июнда қабул қилинган “Интернетда нафрат уйғотувчи контентларга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунлар орқали рақамли платформаларнинг мажбуриятлари янада кучайтирилган.

Бундан ташқари, Европа Иттифоқи 2022 йилда қабул қилган янги “Рақамли хизматлар тўғрисида”ги Қонун (Digital Services Act – DSA) рақамли платформалардаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашишда сифат жиҳатидан янги босқични белгилади. DSA орқали йирик рақамли платформалар (Very Large Online Platforms – VLOPs) учун махсус мажбуриятлар жорий этилди, жумладан:

ҳақиқий ҳуқуқбузарликка оид хабарлар юзасидан тезкор жавоб қайтариш;

ҳуқуқ эгаларининг мурожаатларини қайта кўриб чиқиш учун ички шикоят тартибини таъминлаш;

контентни автоматик таниб олиш ва мониторинг қилиш механизмларини жорий этиш;

шаффофлик ҳисоботларини эълон қилиш ва давлат органлари билан ҳамкорлик қилиш.

DSA'нинг яна бир муҳим жиҳати платформа воситачисининг фаол ва нофаол роллари ўртасида аниқ чегара қўйилишидир. Агар платформа фақат техник восита бўлиб хизмат қилса, унинг жавобгарлиги чекланган ҳисобланади. Бироқ, агар у контентни модерация қилса, фойдаланувчи билан шартнома тузса ёки реклама даромадидан манфаат кўрса, у ҳолда у фаол воситачи сифатида жавобгарликка тортилади.

Товар белгиларини ҳимоя қилишга оид махсус қонунчилик эса Европа Иттифоқининг “Савдо белгилар тўғрисида”ги Регламенти (EU Trade Mark Regulation (EU) 2017/1001) ва “Савдо

белгилар” Директиви (Directive (EU) 2015/2436) орқали таъминланади. Мазкур ҳужжатлар товар белгиларини адаштирувчи шаклда қўллаш, сохта брендларни тарқатиш, онлайн рекламада ноқонуний фойдаланиш, мета-теглар ва домен номларида адолатсиз қиёслар орқали ҳуқуқбузарлик содир этилиши ҳолатларига қарши ҳуқуқ эгасига судга мурожаат қилиш ва ҳимоя воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқини беради.

Бундан ташқари, домен номлари билан боғлиқ низоларда Европа давлатлари, жумладан, ЕИҒа аъзо мамлакатлар WIPO томонидан ишлаб чиқилган UDRP (Uniform Domain Name Dispute Resolution Policy) низо ҳал этиш тизимини кенг қўллайди. Бу тизим орқали товар белгиси эгаси ўз ҳуқуқини бузувчи домен номига нисбатан тезкор ва трансмиллий ҳуқуқий чора кўриш имкониятига эга бўлади [12, Б.301-303].

Европа платформалари ҳам масалан, Allegro, Zalando, Spotify, Meta (EU доменида), Google EU филиаллари ўзларининг ички интеллектуал мулк сиёсатига эга бўлиб, “IP infringement notice” жараёни, ҳисоб блоклаш, контентни ўчириш ва товар эгалигини аниқлаш механизмларини амалиётда жорий этган.

Умуманолганда Европа Иттифоқи товар белгиларини рақамли муҳитда ҳимоя қилиш бўйича интеграциялашган, қонунчилик ва амалиётни уйғунлаштирган тизимни шакллантирган. Ушбу тизим платформа воситачисининг жавобгарлигини аниқ чегаралаб, ҳуқуқ эгасига ҳам давлат орқали, ҳам хусусий тартибда самарали ҳуқуқий ҳимоя имкониятларини яратади. DSA орқали мазкур тизим янада замонавийлаштирилиб, рақамли иқтисодиёт шароитидаги таҳдидларга нисбатан ҳуқуқий мослашувчанлик таъминланмоқда.

Ўзбекистонда товар белгиларининг рақамли муҳитдаги ҳуқуқий муҳофазаси амалда асосан 2001 йил 30 августда қабул қилинган “Товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонун орқали тартибга солинади. Бироқ мазкур Қонуннинг концептуал ва амалий асослари анъанавий иқтисодий фаолият ва одатдаги бозор муҳити учун мўлжалланган бўлиб, рақамли иқтисодиёт реалиятига тўлиқ мос келмайди. Шу боис, жаҳон тажрибаси, айниқса, Европа Иттифоқи ва АҚШ ҳуқуқий моделлари билан қиёс қилинганда, Ўзбекистон ҳуқуқ тизимида аниқ институционал ва норматик бўшлиқлар мавжудлиги яққол кўзга ташланади.

Аввало, миллий қонунчиликда онлайн воситачиларнинг ҳуқуқий мақоми (масалан, хостинг хизматлари, электрон савдо майдончалари, ижтимоий тармоқлар) аниқ белгилаб берилмаган. Уларнинг товар белгиси ҳуқуқини бузган контент учун жавобгарлиги қандай шартлар асосида юзага келиши, фаол ёки нофаол иштирокчи сифатида таснифи ва юридик мажбурияти мавҳум ҳолда қолмоқда. Европа Иттифоқида бу масала “Электрон савдо тўғрисида”ги 2000/31/ЕС Директиви орқали тартибга солинган бўлиб, 12–14-моддаларда “mere conduit”, “caching” ва “hosting” хизматлари учун “мажбуриятдан озод этиш” (safe harbor) режими белгилаб қўйилган. Бу воситачи субъектларнинг ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликдан озод этилишига асос яратади, агар улар муайян шартларга амал қилса. Ўзбекистонда эса бундай механизмлар мавжуд эмас, бу эса рақамли майдонда ҳуқуқбузарликлар учун ҳуқуқий вакуум вужудга келишига олиб келади.

Иккинчидан, “notice-and-action” модели, яъни ҳуқуқ эгасининг рақамли платформага мурожаатига биноан контентни олиб ташлаш ёки блоклаш тартиби миллий қонунчиликда назарда тутилмаган. Европа Иттифоқида бу механизм Директиванинг 14-моддасида назарда тутилган бўлиб, 2022 йилда қабул қилинган “Рақамли хизматлар тўғрисида”ги Қонун (DSA) орқали янада аниқлаштирилди. Ўзбекистонда эса фойдаланувчи шикоят асосида платформа қандай чора кўриши, маълумотни қанча вақт ичида текшириши ва қандай ҳолатларда

жавобгар бўлиши кераклиги ҳақида ҳуқуқий асослар мавжуд эмас.

Учинчидан, домен номлари бўйича низоларни ҳал этиш учун халқаро амалиётда кенг қўлланаётган WIPO томонидан ишлаб чиқилган Uniform Domain Name Dispute Resolution Policy (UDRP) модели Ўзбекистонда жорий этилмаган. “.uz” домени бўйича низолар умумий фуқаролик ёки иқтисодий судларида умумий даъво тартибида кўрилади, бу эса ҳуқуқ эгаси учун вақт ва ресурс жиҳатдан қимматга тушадиган, самарасиз механизм ҳисобланади. Бу ҳолат трансмиллий контекстда рақамли ҳуқуқбузарликларга қарши курашишда жиддий ҳуқуқий тўсиқлар яратади.

Тўртинчидан, Ўзбекистонда рақамли платформалар томонидан автоматлаштирилган мониторинг, контентни таниб олиш, интеллектуал мулк эгасини аутентификация қилиш механизмлари (масалан, YouTube’даги Content ID ёки Amazon’даги Brand Registry’га ўхшаш тизимлар) ҳуқуқий мажбурият сифатида талаб этилмайди. Европа Иттифоқида эса DSAга мувофиқ айрим йирик платформалар учун бундай техник чоралар қонуний талаб даражасига кўтарилган.

Юқорида баён этилган таҳлил асосида Ўзбекистонда қуйидаги ҳуқуқий ислохотлар ва институционал ечимлар долзарб саналади:

“Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонунга ҳамда Интеллектуал мулк тўғрисидаги Қонунларга “интернет воситачиси”, “фаол/нофаол воситачи”, “техник хизмат кўрсатувчи” тушунчаларини қуйидаги мазмунда қонунчиликда белгилаш:

Интернет воситачиси – интернет тармоғи орқали ахборотни узатиш, вақтинча сақлаш, хостинг қилиш ёки фойдаланувчиларга ахборотга кириш имконини яратиш бўйича хизмат кўрсатувчи шахс (жисмоний ёки юридик).

Фаол воситачи – интернет воситачиси сифатида фаолият юритувчи ва ахборот мазмунига таъсир кўрсатувчи, унинг тарқалишини бошқарадиган, модерация қиладиган ёки тижорат мақсадларида ахборотдан фойдаланадиган субъект.

Нофаол воситачи – интернет тармоғи орқали ахборотни узатиш ёки вақтинча сақлаш каби фаолиятни техник характерда амалга оширувчи ва ахборот мазмунига таъсир кўрсатмайдиган субъект.

Техник хизмат кўрсатувчи – интернет тармоғида ахборотни узатиш, тарқатиш, вақтинча ёки доимий сақлаш, дастурий ёрдам кўрсатиш, платформаларни ишлашини таъминлаш, ахборот тизимларини қўллаб-қувватлаш каби хизматларни амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахс.

Европа Иттифоқи қонунчилигида (2000/31/ЕС Директиви) назарда тутилган “safe harbor” (мажбуриятдан озод этиш) ва “notice-and-action” (хабар бериш ва чора кўриш) механизмлари воситачи платформаларга нисбатан жавобгарликни чеклаш билан бирга, уларга муайян мажбуриятларни юклайди. Мазкур ёндашув асосида Ўзбекистон қонунчилигида ҳам воситачиларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш билан бирга, уларнинг ҳуқуқбузар контент учун жавобгарликдан озод этилиши аниқ ва ҳуқуқий шартларга боғлиқ қилиб белгиланиши;

Ўзбекистонда миллий ва халқаро миқёсда фаолият юритувчи онлайн платформалар учун автоматлаштирилган контент филтрлаш, ички шикоят механизми ва шаффофлик ҳисоботлари юритиш каби мажбуриятларни жорий этиш тартиби мавжуд эмас. Бу эса рақамли муҳитда товар белгиси ҳуқуқларини бузилишига қарши самарали профилактика, мониторинг ва жавоб механизмларини таъминлашда қонунчилик вакуумини келтириб чиқармоқда. Европа Иттифоқининг 2022 йилда қабул қилинган “Рақамли хизматлар тўғрисида”ги Қонуни (DSA)да назарда тутилган мажбуриятлар миллий ҳуқуқ тизимида йўқ. Шундан келиб

чиқиб, ушбу нормаларни миллий қонунчиликка қисман мослаштириш орқали платформа воситачиларининг ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва аниқлашдаги жавобгарлигини аниқ белгилаш;

Ўзбекистонда “.uz” домени билан боғлиқ товар белгисига оид низолар умумий фуқаролик ёки хўжалик судларида умумий тартибда кўриб чиқилади, бу эса трансмиллий ва рақамли муҳитда содир этилаётган ҳуқуқбузарликларга нисбатан тезкор ва самарали ҳуқуқий ҳимояни таъминлаш имконини чеклайди. БМТ ҳузуридаги БИМТ (ВОИС) томонидан ишлаб чиқилган “Домен номлари бўйича низоларни ҳал этишнинг ягона тартиби” (UDRP) халқаро механизми ҳозирча “.uz” доменига нисбатан қўлланилмайди. Шу боис, товар белгиларини домен орқали бузиш ҳолатларини оператив ҳал этиш мақсадида, Ўзбекистонда WIPO билан ҳамкорликда ишлайдиган, UDRP моделидан илҳомланган махсус электрон арбитраж тизимини жорий қилиш;

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда товар белгиларининг рақамли платформаларда самарали ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш учун фақат мавжуд қонунларнинг умумий нормаларидан фойдаланиш етарли эмас. Миллий ҳуқуқ тизими рақамли иқтисодиёт, трансмиллий савдо муносабатлари ва интеллектуал мулк ҳимоясидаги халқаро тенденцияларга мослашиши керак. Европа Иттифоқи ва АҚШнинг энг илғор тажрибалари асосида махсус ҳуқуқий институтлар, функционал воситачилик моделлари ва замонавий регулятор ёндашувларни қабул қилиш орқали мамлакатимизда интеллектуал мулк муҳофазаси соҳасида сифат жиҳатидан янги босқичга чиқиш мумкин бўлади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. The Digital Millennium Copyright Act - АҚШнинг “Рақамли мингйиллик муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги Қонун” // URL: extension://mjdgandcagmikhbljnilkmfnjeamfikk/https://www.copyright.gov/legislation/dmca.pdf.
2. URL: https://eur-lex.europa.eu/legal-content/EN/TXT/?uri=CELEX%3A32022R2065.
3. Rules for Uniform Domain Name Dispute Resolution Policy – “Бирхил домен номи бўйича низоларни ҳал қилиш сиёсатининг Қоидалари” // URL: <http://www.icann.org/en/dndr/udrp/uniform-rules-24oct99-en.htm>.
4. Digital Millennium Copyright Act of 1998, Public Law 105–304, 112 Stat. 2860 (Oct. 28, 1998). // URL: extension://mjdgandcagmikhbljnilkmfnjeamfikk/https://www.copyright.gov/legislation/dmca.pdf.
5. The Lanham Act of 1946, also known as the Trademark Act, codified at 15 U.S.C. §§ 1051–114 // URL: <https://www.bitlaw.com/source/15usc/index.html>.
6. Dinwoodie, G. B. & Janis, M. D. Trademark and Unfair Competition Law: Cases and Materials, 5th ed., Aspen Publishers, 2018, pp. 681–700 // URL: <https://www.repository.law.indiana.edu/facbooks/201/>.
7. Gervais, D. & Carroll, M., “The Web of User-Generated Content”, Vanderbilt J. of Entertainment & Technology Law, Vol. 11, No. 4, 2009, pp. 841–870, esp. p. 856. // URL: <https://scholarship.law.vanderbilt.edu/jetlaw/vol11/iss4/4/>.
8. Mark A. Lemley. Terms of Use. Stanford Law Review, Vol. 91, 2006, pp. 459–485. // URL: https://papers.ssrn.com/sol3/papers.cfm?abstract_id=917926.
9. Bannon, Aoife. “Liability of Internet Intermediaries in EU E-Commerce Law: From Passive Hosts to Active Platforms.” Journal of Intellectual Property Law & Practice, vol. 15, no. 3, 2020, pp. 211–221. // URL: <https://academic.oup.com/jiplp/article/15/3/211/5735514>.
10. Husovec, Martin. Injunctions Against Intermediaries in the European Union: Accountable But Not Liable? Cambridge University Press, 2017. // URL: <https://archive.org/details/injunctionsagain0000huso/page/n5/mode/1up?ui=embed&view=theater&wrapper=false>.
11. van Eijk, Nico. The Role of Intermediaries in Copyright and Trademark Enforcement. Amsterdam Law Forum, Vol. 4, No. 2, 2012, pp. 37–48. // URL: <https://amsterdamlawforum.org/articles/abstract/17/>.
12. Torremans, Paul. Holyoak and Torremans Intellectual Property Law. 8th ed., Oxford University Press, 2015 // URL: <https://archive.org/details/holyoaktorremans0000torr/page/n7/mode/2up>.

YURIST AXBOROTNOMASI

3-SON 5-JILD

ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 3, ВЫПУСК 5

LAWYER HERALD

VOLUME 5, ISSUE 3

ISSN 2181-9416

DOI JURNAL: 10.26739/2181-9416